



## ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАРДА МОЛИЯЛАШТИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

**Юлдашев Бахтиёр Гайраджонович,**

Тошкент Кимё халқаро университети мустақил изланувчиси

Email: [b.yuldashev@newuu.uz](mailto:b.yuldashev@newuu.uz)

Тошкент, Ўзбекистон

### **JEL Classification: E2, E22**

**Аннотация.** Ушбу мақолада эркин иқтисодий зоналарда молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқариш самарадорлиги таҳлили амалга оширилган. Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилишидан асосий мақсад маълум бир ҳудудларга капитал жалб қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш экан, мазкур ҳудудда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳам бевосита ошиши кўзланади, аммо шуни инобатга олиш жоизки, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш тенденциясини кўриш жараёнида мазкур зоналарни ташкил этишга қиритилган инвестицияларни ҳисобга олмаслик муҳим. Тадқиқот натижалари юзасидан эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш амалиётини янада таомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** эркин иқтисодий зона, инвестиция, инвестиция лойиҳаси, ялпи даромад, маҳсулот ассортиментни, ялпи фойда, қолдиқ қиймати, "Кўқон" эркин иқтисодий зонаси.

**Abstract.** In this article, the analysis of production camaraderie of investment projects financed in free economic zones is carried out. As a result of the creation of free economic zones, the attraction of capital to certain regions and the increase of production volume, the gross domestic product indicator in this region is expected to increase immediately, but it should be taken into account that in the process of seeing the

tendency of the gross regional product to disappear, the investments included in the creation of these zones hijab is important. Based on the results of the research, proposals and recommendations aimed at further improving the practice of financing investment projects in free economic zones have been developed.

**Keywords:** free economic zone, investment, investment project, gross income, gross profit, residual value, "Kokan" free economic zone.

**Кириш.** Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилиши давлатнинг маълум бир ҳудудида бўш турган пул маблағларини бошқа махсус ҳудудга концентратсия қилиниши ва бу билан билвосита бошқа мақсадларни амалга оширилиши учун ташкил қилинади, жумладан, иқтисодий мақсадлардан ишлаб чиқариш ҳажми, экспорт салоҳиятининг ошиши, ижтимоий мақсадлардан ишчи кучининг ташкил қилинганлиги, ифратузилмаларнинг яхшиланиши ва бошқалар.

Эркин иқтисодий зоналарнинг ташкил этилишидан асосий мақсад маълум бир ҳудудларга капитал жалб қилиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш экан, мазкур ҳудудда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи ҳам бевосита ошиши кўзланади, аммо шуни инобатга олиш жоизки, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш тенденциясини кўриш

жараёнида мазкур зоналарни ташкил этишга киритилган инвестицияларни ҳисобга олмаслик муҳим. Негаки, қурилиш харажатлари, дастлабки ҳомашёни сотиб олиш, дастгоҳларни сотиб олиш, ташиш харажатлари ва бошқа турдаги товар реализациясигача бўлган харажатлар ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ишлаб чиқариш эвазига ошганлигини кўрсатмайди.

**Материал ва метод.** Эркин иқтисодий зоналарда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштиришнинг илмий-назарий жиҳатлари қатор хорижлик иқтисодчи олимлар, хусусан Young-Jin Ahn, Alon I, Meng G.W., Dobrogonov F, Farole T., Авдокушин Е.Ф., Сериков С.Г., Какаулина М.О., Цепелев О.А., Латкин А.П., Huang, X., Meng, X., Chen, M. and Liu, X. кабиларнинг илмий асарларида ўрганилган.

Республикамиз маҳаллий иқтисодчи олимлари ўзининг илмий ишларида, жумладан Н.Хайдаров, С.Мирзалиева, Ш.Мустафақулов, Н.Кузиева, К.Турсунов, Н.Ражабов Ж.Каримқулов, М.Раимжанова, М.Вохидова, Б.Валиевлар эркин иқтисодий зоналар орқали инвестицияларни жалб этиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда нинг институционал тузилмалари фаолиятини ривожлантириш масалаларини тадқиқ этган.

Иқтисодиёт бўйича 2018 йил Нобел мукофоти совриндорлари Паул Ромер ҳамда Виллиам Нордхауслар ҳам эркин иқтисодий зоналар тўғрисида бир қанча таърифлар келтиришган. Бу таърифга кўра эркин иқтисодий зоналар муайян давлат ҳудудида тадбиркорлик қилиш учун энг самара берадиган, бу ҳудудда мазкур давлатнинг қонунлари айти тадбиркорларнинг манфаати учун

хизмат қилинадиган зоналардир. Уларнинг фикрига кўра, эркин иқтисодий зона дирекцияси талаблардан умуман воз кечиб, актив консалтинг хизмати билан шуғулланиши лозим эканлиги айтилган. Айнан уларнинг олға сурган ғоялари Хитой эркин иқтисодий зоналари учун ривожланишнинг назарий ҳамда амалий асоси деб эканлиги қаралади[5].

Дунёда эркин иқтисодий зоналардаги лойиҳаларни молиялаштиришда турли йўналишлардан фойдаланилиши алоҳида таъкидланади. Жумладан, С.Г.Сериков томонидан ўз тадқиқотларида эркин иқтисодий зоналарни ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш воситалари қаторига киритилади[6].

Мазкур тадқиқот давомида илмий шарҳлаш, назарий маълумотларни умумлаштириш ва абстаркциялаш, статистик кузатув, тизимлаштириш, таққослаш, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

**Натижалар.** Инвестиция лойиҳаларининг истиқболлини нафақат уларда ишлаб чиқарган маҳсулоти, балки реализация қилинган маҳсулотлар ҳамда сотиш рентабеллиги каби кўрсаткичлар ҳам белгилайди. Шу сабабли мазкур мақолада эркин иқтисодий зоналарда молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари самарадорлиги юзасидан юқорида тадқиқоб объекти сифатида танланган

“Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги икки корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолати таҳлилини кўриш ҳамда уларни ўзаро таққослаш орқали мазкур корхоналарни таҳлил қиламиз. Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкинки, МЧЖ “Шаффоф метан саноат” ҚК ўз олдига 50 124.254 млн сўмлик маҳсулот

ишлаб чиқаришни йиллик режа қилиб қўйган бўлиб, ҳисобот йилида ишлаб чиқариш режасининг 93.7% (47 016.304/50 124.254\*100=93.7%) миқдорини бажарган. МЧЖ "Дўст

текстил" ҚК 2020-йилда 65 620 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган, лекин 62 126 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, режани 94.6% (62 126/65 620=94.6%) бажарган.

1-жадвал

**"Қўқон" эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ "Шаффоф метан саноат" ҚК ва МЧЖ "Дўст текстил" ҚКда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ва динамикаси таҳлили, млн. сўм<sup>1</sup>**

№	Кўрсаткич	МЧЖ "Шаффоф метан саноат" ҚК		МЧЖ "Дўст текстил" ҚК	
		Режа	Ҳақиқат	Режа	Ҳақиқат
1	Маҳсулотнинг солиштирма баҳоси	50 124,254	47 016,304	65 620	62 126

Корхоналарда режанинг бажарилмаслигига сабаб бўлувчи икки омилни кўрсатишимиз мумкин:

1. Бир-бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш норма соати ошганлиги сабабли йиллик ишлаб чиқариш нормасининг тушиб кетганлиги;

2. Истеъмолчилар буюртмасига кўра нисбатан паст нархли Товар ассортиментини ишлаб чиқарилганлиги.

Бир-бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш норма соати ошиб кетиши йиллик ишлаб чиқариш нормасини тушириши билан бирга, корхонанинг ялпи даромадини ҳам тушириши табиий. Буни қуйидаги жадваллардаги маълумотлардан кўришимиз мумкин:

2-жадвал

**"Қўқон" эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ "Шаффоф метан саноат" ҚК маҳсулотлари турлари бўйича ишлаб чиқариш режаси бажарилиши ва динамикасининг таҳлили<sup>2</sup>**

№	Маҳсулот турлари	Ҳисобот йили		Режага нисбатан	
		Режа бўйича	Амалда ажарилиши	Фарқи (+,-)	Бажарилиши, %
1	Баллон (метан) В=65	12 181	11 750	-431	96.4
2	Баллон (метан) В=70	3 654	3 655	+1	100
3	Баллон (метан) В=75	9 745	9 742	-3	99.9

<sup>1</sup> Қўқон "Эркин иқтисодий зонаси" ДУК дирекцияси "Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш" шуъбаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>2</sup> Қўқон "Эркин иқтисодий зонаси" ДУК дирекцияси "Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш" шуъбаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

4	Баллон (метан) B=80	9 745	10 167	+422	104.3
5	Баллон (метан) B=85	1 218	1 220	+2	100.1
6	Баллон (метан) B=90	1 218	1 225	+7	100.5
7	Баллон (метан) B=95	1 218	1 209	-9	99.2
8	Баллон (метан) B=100	8 527	9 259	+732	108.5
9	Баллон (метан) B=110	1 218	1 124	-94	92.2
10	Баллон (метан) B=120	1 218	985	-233	80.8
11	Смесител ГБО	15 227	15 500	+273	101.7
12	Дозатор ГБО	15 227	15 327	+100	100.6
<b>Жами</b>		<b>80 396</b>	<b>81 163</b>	<b>+767</b>	<b>93.7</b>

Жадвал маълумотларида таъкидланганидек, ҳисобот йилида корхона ишлаб чиқариш режасини 93.7% бажарган. Унинг таркибий қисмларини кўриб чиқамиз: ишлаб чиқарилган газ баллонлардан 5 тури (70, 80, 85, 90 ва 100 ўлчамли газ баллонлар) режани ортиғи билан бажарган. Аммо 80 ўлчамли газ баллоннинг нисбатан юқори босимли газ баллонлар ўрнига режадан 422 дона кўпроқ ишлаб чиқарилгани яхши эмас. Негаки, бу турдаги газ баллон нисбатан арзон турдаги газ баллон ҳисобланади. Бу эса ялпи даромадга салбий таъсир этади.

Корхона ишлаб чиқарадиган 10 турдаги газ баллонларидан қолган 5 тури (65, 75, 95, 110 ва 120 ўлчамли газ баллонлар) режада белгиланган миқдорда ишлаб чиқарилмаган. Жумладан, 65 ўлчамли баллонлар белгиланган миқдордан 431 дона, 75 ўлчамлиги 3 дона, 95 ўлчамлиги 9 дона, 110 ўлчамлиги 94 дона ва 120 ўлчамли маҳсулот тури 233 дона кам ишлаб чиқарилган. Бу ҳолат корхонанинг ялпи даромадини 751 273 минг сўмга камайтириши мумкин эди.

Буни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

3-жадвал

### Ишлаб чиқарилмаган маҳсулотлар таҳлили<sup>3</sup>

№	Маҳсулот тури	Кам ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори (дона)	Бир маҳсулотнинг солиштира баҳоси (минг сўм)	Маҳсулот баҳосининг суммаси (минг сўм)
1	Баллон (метан) B=65	431	810	349 110
2	Баллон (метан) B=75	3	902	2 706
3	Баллон (метан) B=95	9	1 052	9 468

<sup>3</sup> Қўқон "Еркин иқтисодий зонаси" ДУК дирекцияси "Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш" шубҳаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

4	Баллон (метан) В=110	94	1 157	108 758
5	Баллон (метан) В=120	233	1 207	281 231
<b>Жами</b>		<b>770</b>		<b>751 273</b>

3-жадвалда йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий миқдори 767 донага кўп бўлса ҳам, режадан кам ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳисобига режанинг ўртача бажарилиши 93.7% бўлиб қолмоқда.

Режадан кўпроқ ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари ҳисобига ялпи даромаднинг кескин тушиб кетиши кузатилмаган. Аммо келажакда бундай ҳолат такрорланмаслиги учун бозор конъюктурасини пухта ўрганиш ва бир-бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш норма соатига қатъий эътибор бериш таклиф этилади.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, корхона ишлаб чиқарадиган маҳсулотлардан 2 турини ишлаб чиқариш

режадан ортиғи билан бажарилган. Жумладан, нақшли супрем қаттиқ трикотаж матоси режадан 20.1 тонна, нақшли начос қаттиқ трикотаж матосини 9 тонна кўп ишлаб чиқарган.

Корхона маҳсулот ассортименти таркибидаги нақшли қаттиқ трикотаж матоси режадан 28.8 тонна кам ишлаб чиқарилган. Бу режадан қолиб кетиш корхонанинг ялпи даромадини 2 102 898 минг сўмга камайтирган. Корхонада йиллик ишлаб чиқариш миқдори 0.3 тоннага кўп бўлса ҳам, 1-турдаги маҳсулот миқдори белгиланган режадан 7.1% пунктга камлиги ҳисобига йиллик ишлаб чиқариш режасини 94.6 % бажарган.

**4-жадвал**

**“Кўкон” эркин иқтисодий зонасидаги “Дўст текстил” маҳсулотлар турлари бўйича ишлаб чиқариш режаси бажарилиши ва динамикасининг таҳлили<sup>4</sup>**

Т/р	Маҳсулот турлари	Ҳисобот йили		Режага нисбатан	
		Режа бўйича (тонна)	Амалда бажарилиши (тонна)	Фарқи (+,-)	Бажарилиши, %
1	Нақшли интерлок қаттиқ трикотаж матосини бўйаш	404.4	375.6	-28.8	92.9
2	Нақшли супрем қаттиқ трикотаж матосини бўйаш	2 800.5	2 820.6	+20.1	100.7
3	Нақшли начос қаттиқ трикотаж матосини бўйаш	801.2	810.2	+9	101.1
<b>Жами</b>		<b>4 006.1</b>	<b>4 031</b>	<b>+0.3</b>	<b>-94.6</b>

Корхона ҳисоботларида ишлаб чиқариш режасини бажарилмаганлигига сабаб қилиб 1-турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш учун керакли миқдорда кимёвий

қўшимчаларнинг муддатида етказиб берилмаганлиги, бунинг натижасида муқобил маҳсулот тури ишлаб чиқарилганлиги кўрсатилган. Келажакда

<sup>4</sup> Кўкон “Еркин иқтисодий зонаси” ДУК дирекцияси “Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш” шубҳаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



мазкур ҳолат такрорланмаслиги учун муқобил ҳом-ашё етказиб берувчиларни топиш таклиф қилинади.

Берилган икки корхоналарга умумий хулоса қилиб, берилган корхоналарнинг иккиси ҳам ишлаб чиқариш режасини бажармаганлигини айтишимиз мумкин. МЧЖ "Шаффоф метан саноат" ҚҚда режанинг бажарилмагани корхонанинг ялпи

даромадини 751 273 мин сўмга камайтирган бўлса, МЧЖ "Дўст текстил" ҚҚда ишлаб чиқариш режасини бажарилмагани 2 102 898 минг сўмга камайтирган ва бу биринчи корхонанинг зараридан ўртача 3 баробар кўп. Юқоридагиларни инобатга олиб, МЧЖ "Дўст текстил" қўшма корхонаси режаларни бажариш бўйича қатъий нормалар ишлаб чиқиши таклиф этилади.

#### 5-жадвал

**"Қўкон" эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ "Шаффоф метан саноат" ҚҚ бўйича сотиш ва ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режанинг бажарилиши таҳлили, минг. сўм<sup>5</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Амалдаги улгуржи баҳолар	Ишлаб чиқариш таннархи	Фойда
1	Тайёр маҳсулот йил бошидаги қолдиқ билан	47 016 304	29 603 277	17 413 027
2	Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи	17 200	10 664	6 556
3	Амалдаги сотиш ҳажми қат1-қат2	46 999 104	29 592 613	17 406 491
4	Режа бўйича сотиш ҳажми	50 124 254	31 450 780	18 673 474
5	Фарқи қат3-қат4	-3 125 150	-1 858 167	-1 266 983

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, МЧЖ "Шаффоф метан саноат" ҚҚда ҳисобот йилида 47 016.304 млн. сўм қийматидаги маҳсулот ишлаб чиқарилган ва 46 999.104 млн. сўм қийматидаги маҳсулот сотилган. Қолган 17.2 млн. сўмлик маҳсулот йил охиридаги салдо сифатида ҳисобланган. Қолдиқ қийматнинг оз бўлганлиги яхши, албатта. Аммо, режа бўйича йил охирига йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барчасини сотиш кераклигини инобатга олсак, қолган 17.2 млн. сўмлик маҳсулот корхонада режанинг бажарилмаётганидан дарак беради. Режа бўйича сотиш

ҳажмининг 3 125.150 млн. сўмлик манфий фарқ билан бажарилгани корхонанинг фойдасини 1 266.983 млн. сўмга камайтирган. Корхонанинг ялпи фойдасини камайтиришига сабаб 2.2.3-жадвалда батафсил кўриб чиқилган эди. Корхонада йил охирида сотилмай омборхонада қолган қолдиқ маҳсулот ишлаб чиқарилган яроқсиз маҳсулотдан мустасно бўлиб, улар диллерлар томонидан йил охирида қайтариб олиб келинган маҳсулотларни ўз ичига олади. Келтирилган жадвал маълумотларидан келиб чиқиб, қуйидаги расмни кўришимиз мумкин:

<sup>5</sup> Қўкон "Еркин иқтисодий зонаси" ДУК дирекцияси "Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш" шубҳаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Бу ўз навбатида корхона ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг бозоргирлигини пасайтиради. Бундай ҳолатни четлаб ўтиш учун корхонага режаларни бажариш бўйича алоҳида дастур ва нормалар ишлаб чиқиш, мол етказиб берувчи ва пудратчилар билан

етказиб бериш вақтларини қатъий белгилаб олиш, агар керакли хом-ашёларнинг кечикиш ҳавфи бўлган тақдирда, муқобил етказиб берувчилар билан доимий алоқада бўлиш таклиф этилади.

#### 6-жадвал

#### “Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ “Дўст текстил” қўшма корхонасининг сотиш ва ишлаб чиқариш бўйича белгиланган режанинг бажарилиши таҳлили, млн. сўм<sup>6</sup>

№	Кўрсаткичлар	Амалдаги улгуржи баҳолар	Ишлаб чиқариш таннархи	Фойда
1	Тайёр маҳсулот йил бошидаги қолдиқ билан	62 126	34 790	27 336
2	Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи	3,494	1,956	1,549
3	Амалдаги сотиш ҳажми Ст1-ст2	62 123	32 834	29 289
4	Режа бўйича сотиш ҳажми	65 620	35 099	30 521
5	Фарқи Ст3-ст4	3,497	-2,265	-1,232

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, ҳисобот йилида корхонада таннархи 34 790 млн. сўмлик амалдаги улгуржи баҳоси 62 126 млн. сўм қийматли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу корхонага 28 521 млн. сўмлик фойда келтирганини кўрсатади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фойдаси амалдаги улгуржи баҳонинг (ялпи рентабеллик кўрсаткичи) 46 фоизи эканлигини инобатга оладиган бўлсак бу яхши натижа берган ҳисобланади. Ҳисобот йилида баҳоси 65 620 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 100 фоизи сотилиши режалаштирилган эди, лекин ҳақиқатда режага нисбатан баҳоси 3 494

млн. сўмлик маҳсулот кам ишлаб чиқарилган. Бу корхонанинг ялпи фойдасини 3 185 млн. сўмга камайтирган. Йил охиридаги тайёр маҳсулот қолдиғи 3.494 млн. сўмни ташкил қилиши режани бажарилмаганига қарамай яхши кўрсаткич эканлигини хулоса қилиш мумкин. Корхона келгуси йилларда ялпи фойдаси миқдорини кўпайтириши учун режа кўрсаткичларини ўз вақтида бажариши тавсия қилинади.

Берилган жадвалларда келтирилган маълумотларга кўра МЧЖ “Шаффоф метан саноат” ҚК ва МЧЖ “Дўст текстил” ҚК умумий сотиш кўрсаткичлари яхши натижаларни берган. Мазкур корхоналарда товарнинг йил охиридаги қолдиқ қиймати юқори эмас.

<sup>6</sup> Қўқон “Еркин иқтисодий зонаси” ДУК дирекцияси “Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш” шубҳаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

7-жадвал

**“Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ “Шаффоф метан саноат” ҚҚда сотилган товар маҳсулотининг омилли таҳлили, млн. сўм<sup>7</sup>**

№	Кўрсаткичлар	Товарнинг йил бошидаги қиймати қолдиғи	Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот	Товарнинг йил охиридаги қиймати қолдиғи	Сотилган товар ҳажми
1	Базис йили	12 247	25 469 861	18 540	25 436 568
2	Ҳисобот йили	18 540	46 997 764	17 200	46 999 104
3	Товарнинг сотиш ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсири	+6 293	+21 527 903 00	-1 340	+21 562 536

Мазкур жадвал амалий давоми бўлиб, бунда ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулотларни йиллар кесимида таҳлил қилинади. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қолдиғи базис йили бошида 12 247 минг сўмни ташкил қилган бўлса, ҳисобот йили бошида бу кўрсаткич 6 293 минг сўмга ошган. Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот миқдори ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида 21 527 903 минг сўмга ошганлиги корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти

ЭИЗиларли юксалганини кўрстади. Ишлаб чиқариш салоҳиятини 84 фоизга (46 997 764/25 469 861\*100-100=84%) ошганлигига уч омилни сабаб қилиб кўрсатишимиз мумкин:

- ишчилар сонининг ошганлиги;
- юқори унумдорликка эга актив асосий воситалар ҳажми кўпайганлиги;
- умумий меҳнат унумдорлигини юксалганлиги.

Ҳисобот йили охирида корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот қиймати қолдиғи базис йилга нисбатан 1 340 минг сўм кам маблағни кўрсатмоқда.

8-жадвал

**“Қўқон” эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ “Дўст текстил” ҚҚда сотилган товар маҳсулотининг омилли таҳлили, млн. сўм<sup>8</sup>.**

№	Кўрсаткичлар	Товарнинг йил бошидаги қиймати қолдиғи	Ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулот	Товарнинг йил охиридаги қиймати қолдиғи	Сотилган Товар ҳажми
1	Базис йили	46,450	38 493,550	20,870	38 519,130
2	Ҳисобот йили	20,870	62 105,130	3,494	62 122,506
3	Товарнинг сотиш ҳажмининг ўзгаришига омиллар таъсири	-25,580	+23 611,580	-17,376	+29 603,376

<sup>7</sup> Қўқон “Эркин иқтисодий зонаси” ДУК дирекцияси “Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш” шуъбаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>8</sup> Қўқон “Эркин иқтисодий зонаси” ДУК дирекцияси “Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш” шуъбаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



Бу кўрсаткич нисбатан яхшиланган, аммо маҳсулотнинг қолдиқ қиймати нолга тенг бўлиши режалаштирилганини инобатга олсак, 17 200 минг сўм миқдорда айланма капитал банд бўлиб турганини кўришимиз мумкин. Бу айланма капиталнинг айланиш тезлигига салбий таъсир кўрсатишини хулоса қилиш мумкин. Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, МЧЖ “ДўСТ Текстил” ҚК ҳисобот йилида товарнинг йил бошидаги қолдиқ қиймати базис йилдагига нисбатан 25 580 минг сўмга камайган. Товарнинг йил охиридаги қолдиқ қиймати ҳам ўтган йилдагига нисбатан 17 376 минг сўмга камайган. Корхонада ҳисобот йилида 62 105.130 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 23 611.580 млн сўмга кўпайган.

Эътиборга молик томони шундаки, жорий йилда ишлаб чиқарилган товарларнинг аксарияти сотилганини ишлаб чиқарилган маҳсулотдан сотилган маҳсулот 17 376 минг (62 122 506 000-62 105 130 000=17 376 000) сўмга кўплигида кўришимиз мумкин. Бундан, хулоса қилишимиз мумкинки, ҳисобот йилида корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барчаси сотилиб, базис йилдаги 17 376 минг сўмлик маҳсулот ҳам реализатсия қилинган. Натижада корхонада 3 494 млн сўмлик маҳсулотнинг йил охиридаги қиймати қолдиғи қолган. Юқоридагиларни умумийлаштириб, корхона жорий йилда орхонада товарнинг йил охиридаги қиймати қолдиғи қолиши бўйича режа ортиғи билан бажарилган.

**9-жадвал**

**“Кўкон” эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ “Шаффоф метан саноат” ҚКда сотилган маҳсулот бўйича сотиш ҳажмининг омилли таҳлили<sup>9</sup>**

Маҳсулотлар тури	Базис		Ҳисобот йили			Сотиш ҳажмининг ўзгариши (+,-) минг сўм		Шу жумладан, ўзгариши		
	Микдор	Шартли сотиш ҳажми			Микдор			Микдор		
	Қ <sub>0</sub>	1 донаси баҳоси	Суммаси, минг	Қ <sub>1</sub> П <sub>0</sub>	Қ <sub>1</sub>	1 донаси баҳоси	Суммаси, минг сўм	Қ <sub>1</sub> П <sub>1</sub> -Қ <sub>0</sub> П <sub>0</sub>	Қ <sub>1</sub> П <sub>1</sub> -Қ <sub>0</sub> П <sub>0</sub>	Баҳоси ҳисоби
1 Баллон (метан) В=65	7 540	729	5 49	5 50	11	810	9 515 880	+4 019 220	3 340	4 015 880
2 Баллон (метан) В=70	4 200	754	3 16	3 17	3	838	3 058 700	-108 100	3 200	111 300

<sup>9</sup> Кўкон “Еркин иқтисодий зонаси” ДУК дирекцияси “Хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб қилиш” шубҳаси ҳисоботларидан олинган маълумот асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

3	Баллон (метан) В=75	8450	812	686	686	9	902	8776460	+1915060	600	1914460
4	Баллон (метан) В=80	7607	849	645	646	974	943	9189535	+2731192	1657	2729535
5	Баллон (метан) В=85	X	X	X	X	1190	980	1166200	+1166200	X	X
6	Баллон (метан) В=90	X	X	X	X	1210	1017	1230570	+1230570	X	X
7	Баллон (метан) В=95	X	X	X	X	1204	1052	1266608	+1266608	X	X
8	Баллон (метан) В=100	9200	986	9071200	9072000	9248	1096	10135808	+1064608	800	1063808
9	Баллон (метан) В=110	X	X	X	X	1110	1157	1284270	+1284270	X	X
10	Баллон (метан) В=120	X	X	X	X	984	1207	1187688	+1187688	X	X
11	Смесител ГБО	16890	7	118230	120000	15491	8	123928	+5698	1770	3928
12	Дозатор ГБО	X	X	X	X	15321	3.5	53623.5	+53623.5	X	X
	Жами	43457		25482108		81163		47016304		11367	9616311

**Мунозара.** Умуман олганда, икки корхона ҳам ҳисобот йилида базис йилга нисбатан товарнинг қолдиқ қиймати қолиши бўйича йиллик режани яхши бажарган. Сабаби, ҳисобот йилида корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва сотилган маҳсулот миқдори ўртасидаги фарқ манфий кўрсаткични бермоқда, яъни сотилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилган маҳсулотга қараганда кўпроқ миқдорни ташкил қилмоқда. Агар мазкур корхоналар маҳсулотнинг қолдиқ қиймати қолишининг йиллик режасини бажариш бўйича жорий сиёсатни олиб борсалар ва ҳеч қандай салбий омиллар таъсир этмаса кейинги йилга ишлаб

чиқарилган маҳсулотнинг барчаси сотилиши кутилмоқда.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, МЧЖ "Шаффоф метан саноат" қўшма корхонасида 10 хил ўлчамли газ баллонлар ва 2 турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Базис йилда корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар асортименти ҳисобот йилгига нисбатан 6 тага кам бўлган. Жумладан, базис йилда корхонада 6 турдаги маҳсулот (65, 70, 75, 80 ва 100 ўлчамли газ баллонлар ва смесител ГБО) ишлаб чиқарилган. Қолган 6 турдаги маҳсулот (85, 90, 95, 110 ва 120 ўлчамли газ баллонлар ва дозатор ГБО) ҳисобот йили бошида янги ишлаб чиқариш

линияси сотиб олинганидан сўнг ишлаб чиқарила бошлаган. Бу ҳолат жадвалдаги сотиш ҳажмининг ўзгаришига маҳсулот миқдори ва нархи ўзгаришининг таъсири омилларини тўлиқ ўрганиш имконини бермайди.

Келтирилган жадвал маълумотлардан кўриш мумкинки, корхонада ишлаб чиқарилган 65 ўлчамли газ баллонни сотишдан келган тушум 4 019.220 млн сўмга ошган. Бундан маҳсулот миқдори ошганлиги сабабли фақатгина 3,340 млн. сўм ошганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур ўлчамли маҳсулотнинг умумий баҳоси ошиши ҳисобига даромад 4 015.880 млн. сўмга ошган. Демак, корхонада олдинги йилга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилган бир дона 65 ўлчамли газ баллон корхона даромадига 284.3 сўм ( $3\,340\,000/11\,748=284.3$ ) қўшимча қиймат қўшади. Ишлаб чиқарилган 70 ўлчамли маҳсулот миқдори базис йилга нисбатан 550 донага камайгани ҳисобига корхона даромади умумий ҳисобда 108.100 млн. сўмга камайган. Жумладан, маҳсулот миқдори камайиши ҳисобига даромад 3.2 млн сўм кўпайиб, маҳсулотнинг баҳоси ошганлиги ҳисобига 111.300 млн сўм даромад кам бўлганини кўришимиз мумкин. Ўз-ўзидан савол бўлиши табиий, маҳсулотнинг баҳоси ошса, корхона нима сабабдан 111.300 млн. сўм зарар кўрмоқда? Ҳисобот йилида корхонада 70 ўлчамли газ баллон олдинги йилга нисбатан 550 дона кам ишлаб чиқарилгани маълум. Бу корхона даромадини ҳисобот йили нархлари бўйича ҳисоблаганда 460.900 млн. сўм камайтиради. Демак, корхона мазкур маҳсулот турини кам ишлаб чиқаришдан бўладиган зарарни қоплаш учун шу маҳсулотнинг баҳосини 84 минг сўмга оширган. Шундан сўнг корхона бўлиши мумкин бўлган 349.6 млн. сўм ( $460.9-111.3=349.6$ ) зарарни қоплаган.

Қолган 111.300 млн. сўм зарар қопланмай қолган.

Корхонада ишлаб чиқариладиган 75, 80, 100 ўлчамли газ баллонлар ва смесител ГБОни сотишдан келган даромад миқдори ошганлиги ва даромад ошишига таъсир этувчи омиллар худди 65 ўлчамли газ баллонникидек.

Таҳлил натижаси кўрсатадики, корхонада ишлаб чиқариладиган 6 турдаги (65, 70, 75, 80, 100 ва смесител ГБО) маҳсулотларни сотишдан келган даромад базис йилга нисбатан 9 627.678 млн. сўмга ошган. Жумладан, 9 616.311 млн сўм жами ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий баҳоси ошганлиги ҳисобига ва 11 367 млн. сўм маҳсулотнинг умумий миқдори ошганлиги ҳисобига даромад миқдори ошган. Демак, базис йилга нисбатан кўпроқ ишлаб чиқарилган 1 дона маҳсулот корхонага 140 сўм кўпроқ қўшимча даромад келтиради.

**Хулоса.** Юқорида келтирилган жадваллар ҳамда маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки, "Қўқон" эркин иқтисодий зонасидаги МЧЖ "Шаффоф метан саноат" ва МЧЖ "Дўст Текстил" қўшма корхоналари ишлаб чиқаришдан кўра сотишга кўпроқ урғу бераётганликлари ва ишлаб чиқариш режасининг бажарилмаётганлиги корхоналар даромадларини ЭИЗиларли даражада салбий таъсир этаётганлигини кўришимиз мумкин. Агар корхоналарда ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича барча жорий ва оператив режалар ўз ўрнида бажарилса, албатта, истиқболдаги режаларга эришилади.

Бизнингча, Ўзбекистонда экспорт ишлаб чиқариш зоналарини ташкил қилиш самаралироқ ҳисобланади. Бундай зоналарда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, мамлакатимизда илмий-



техник жараёнларни ривожлантириш мақсадида илмий-технологик зоналарни ҳам ташкил қилиш керак. ЭИЗ ташкил этишда, нафақат иқтисодий ривожлантириш, балки ҳудудлардаги иқтисодий ва ижтимоий вазифаларни ҳал этишни ҳам алоҳида эътиборга олиш кўзланган истиқболдаги мақсадга тезроқ етиш учун асосий омиллардан бири бўлади. Эркин иқтисодий зоналардаги инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда уларга ер

майдонларини ажратиш муҳим аҳамиятга эга. Юқоридаги илғор хорижий тажрибалар асосида “кичик саноат зоналари ҳудудидаги ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали реализация қилишдан келиб тушган пул маблағлари кичик саноат зоналарининг бош режалари асосида ташқи ва ички муҳандислик-коммуникация ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмасини қуриш ва яхшилаш лойиҳаларини молиялаштириш учун сарфлаш таклиф”[1] этилади.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3356-сон қарорида ўз аксини топган.
2. Young-Jin Ahn. Factors Limiting Foreign Direct Investment in Free Economic Zones of Uzbekistan. International Journal of Management Research and Economics Publisher's Home Page: [https://www.svedbergopen.com/27-1690797240\\_2\\_IJMRE202317011035KR\\_p\\_17-33.pdf](https://www.svedbergopen.com/27-1690797240_2_IJMRE202317011035KR_p_17-33.pdf);
3. Alon, I. et al. (2021). A Systematic Review of International Franchising, Multinational Business Review, 29(1), 43-69, <https://doi.org/10.1108/MBR-01-2020-0019>;
4. Meng G.W. (2005). Evolutionary Model of Free Economic Zones. Chin. Geograph. Sc., 15, 103-112, <https://doi.org/10.1007/s11769005-0002-1>;
5. Iqtisodiyot bo'yicha 2018 yil Nobel mukofoti sovrindorlari Paul Romer hamda Villiam Nordhauslar ham erkin iqtisodiy zonalar to'g'risida keltirgan ta'rifidan. Manba: <http://www.aei.org/publication/this-years-nobel-for-economics-is-a-technology-prize>. saytidan
6. Сериков С.Г. Инструменты формирования и развития инвестиционного потенциала территории: международный опыт // Российское предпринимательство. — 2016. — Т. 17. — № 2. — С. 187–206. — doi: 10.18334/rp.17.2.2208
7. Мустафақулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 30 б.
8. Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 41 б.
9. Турсунов К.Б., Ражабов Н.Р. Инвестицион муҳит жозибадорлигини бошқаришни такомиллаштириш: Монография. – Тошкент, «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2021. – 212 бет.
10. Каримқулов Ж. Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари. и.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2019.



– 244 б.

11. Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. и.ф.н. дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – 25 б.

12. Qo'qon "Erkin iqtisodiy zonasi" DUK direksiyasi "Xorijiy va mahalliy investorlarni jalb qilish" shu'basi hisobot ma'lumotlari.